



# СУВ – УЛУҒ, ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

**Ҳаётда бирон нарсанинг ўта муҳим ва қимматли эканини таъкидлаш жоиз бўлса, “Сув билан ҳаводек зарур” деган ҳаммага таниш иборани айтамыз. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, сув улуғ, илоҳий неъмат. Одам овқат емасдан ҳам бир неча ҳафта яшаши мумкин, аммо сувсизликка бир ҳафтадан ортиқ чидай олмайди, ҳаётдан бевақт кўз юмади. Одам вужудининг 70 фоизи сувдан иборат, қоннинг 95 фоизи сувдир. Скелетимизнинг 31 фоизи ҳам сувдан ташкил топган. Танамиздаги сув мувозанатини сақлаш учун кунига 2–3 литр сув ичишимиз лозим. (Бу муҳим масала юзасидан мутахассислар фикри яқдил эмас, турлича қарашлар бор. Алоҳида мавзу бўлгани учун батафсил тўхталиб ўтирмаймиз). Бир нафар фуқарога бир кеча кундузда 50 литр сув кетади. Беш дақиқа душ қабул қилиш учун эса 200 литр сув керак бўлади.**

Хўш, биз ҳар куни истеъмол қиладиган сув ҳақида нималарни биламыз? Унинг моҳияти ҳақидаги тасаввурларимиз қанчалар тўғри, қай даражада ҳақиқатга яқин? Умуман, сув ҳақида теранроқ ўйлаймизми?

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да, насронийларнинг илоҳий китоби “Инжил”да, яҳудийларнинг китоби “Забури”да, мусулмонларнинг улуғ китоби “Қуръони карим”да сувнинг яратувчилик, яшнатувчилик хусусиятлари хусусида ва барча тирик мавжудотнинг “баракотли ва улуғ неъмат” – сувдан яралганлиги ҳақида муҳим фалсафий фикрлар айтилган. Айни чоғда ушбу муқаддас китобларда сув улуғ неъмат сифатида таърифланади, абадийлик, поклик, ҳа-

лоллик, ёруғлик тимсоли дея эъзозланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда барча инсониятга қарата шундай марҳамат қилади: “Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдирувчимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?” (Воқеа, 68–70)

“Қуръони карим”нинг 55 дан ортиқ сурасидаги 150 га яқин ояти каримада сув ҳақида рамзлар воситасида далилларга бой фикрлар зикр қилинган.

Муқаддас манбаларда улуғ неъмат – Сувдан тежаб–тергаб фойдаланиш хусусида ҳам ибратли фикрлар баён этилган.. Анас ибн Молик (ро-

зияллоху анху)дан қилинган ривоятда айтилишича, Пайғамбаримиз (саллоллоху алайхи ва саллам) таҳорат олаётганларида сувни ниҳоятда тежаб ишлатар эканлар, яъни бор-йўғи 0,688 литргина сув сарфлар эканлар. Набий саллолоху алайхи ва саллам “Гарчи оқар дарёда бўлсанг ҳам, таҳоратда ортиқча сувни ишлатиш исрофдир” дея марҳамат қилганлар.

Мавзуга бевосита даҳлдор бўлгани боис сув ҳақида айрим статистик маълумотларни эслаб ўтиш жоиздир.

Мутахассислар таъкидлашича, яқин 25–30 йил давомида жаҳонда ичимлик сув заҳираси икки баравар қисқарар экан. Бугунги кунда ер юзидаги сувнинг атиги 3 фоизини чучук сув ташкил этади. Чучук сув заҳираларининг 75 фоизи айсберг ва музликлардан иборат бўлиб, қолган қисми ер юзидадир. Инсоният чучук сувларнинг атиги бир фоизидангина фойдалана олади, холос. Айни дамда ер юзидаги аҳолининг 2,3 миллиардини сув билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб турибди. Бир ярим миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтождир.

Кузатишларда аниқланишича, инсоният ишлатаётган сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Сўнгги йилларда суғориладиган ерлар 40 миллион гектардан 400 миллион гектарга кенгайиши ҳисобга олинадиган бўлса, муаммонинг кескинлиги янада ойдинлашади. Айни чоғда ривожланаётган давлатларда аҳоли эҳтиёжи ва саноат учун ҳам кўп миқдорда сув сарфланиши инобатга олинаши лозим.

Ер юзида тупроқдан ҳам кўра сув кўп. Аммо унинг асосий қисми денгиз ва уммонлардаги шўр сувлардир. Бундай сувлар барча сувларнинг 97,5 фоизини ташкил этади. Аён бўляптики, ер юзидаги чучук сув заҳиралари жуда чекланган. Биз истеъмол қилаётган дарё ва сув омборларидаги сувлар дунёдаги сув заҳираларининг бир фоизинигина ташкил қилади. Ана шу чучук сув ер юзидаги аҳолининг эҳтиёжини қондирмоқда.

Ичимлик суви тақчиллигига демографик ва урбанизация (шаҳарлашиш) каби омиллар ҳам жиддий таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Одамзод пайдо бўлганидан то 1000 йилга қадар дунёда 3 миллион одам яшаган бўлса, 1600 йилга келиб ер юзида яшаётган аҳоли сони 500 миллион, 1830 йилга келиб эса 1 миллиардга етди. Асримиз бошига келиб эса ер юзи аҳолиси 6 миллиарддан ошди. Аҳоли кўпайиши билан сув тақчиллиги яна ортаверади.

Энди, урбанизация масаласининг сув тақчиллигига даҳлдорлигига тўхталсак. Сир эмас, шаҳар халқи сувни кўпроқ ишлатади. Агар қишлоқда яшовчи одам бир кунда ўртача 55 литр сув сарфласа, шаҳарда бу кўрсаткич 150 литрни ташкил этади. Баъзи йирик шаҳарларда кўрсаткич бундан ҳам юқоридир.

Мутахассисларнинг ташвиш билан огоҳлан-

тиришларича, яна 15–20 йилдан кейин ер юзидаги аҳолининг учдан икки қисми сув танқислигига дуч келиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда бу рақам 18 фоизни ташкил этади. Бунинг оқибатида халқаро миқёсда кескинлик кучайиши мумкин. Масаланинг жиддий ва таҳликали эканлиги зудлик билан чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда сув тақчиллигини ҳал этиш учун денгиз сувларини чучуклаштириш лозимлиги таклиф этилмоқда. Бу борада Хитой, Япония, Кипр, Испания, Америка, Исроил, Қозоғистон каби давлатларда жиддий ишлар қилинмоқда. Масалани бу йўл билан ҳал этиш бошқа, кутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин экан. Тузлардан тозаланган денгиз сувлари яна ўз ўзанига қўйилганда сувда яшайдиган хайвонот оламига катта зарар етказаркан.

Олимлар, мутахассис ва мутасаддилар чучук сув тақчиллигини оқилона ҳал этиш учун тинимсиз изланмоқдалар. Улар денгизлар, уммонлар остидаги чучук сув заҳираларидан фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқдалар. Агар ушбу масала ижобий ҳал этилса, сув тақчиллигини ҳал этишда олдинга қўйилган дадил қадам бўлур эди. Айни чоғда генетик олимлар кам сув талаб қиладиган ва қурғоқчиликка чидамли дон навларини яратиш устида ҳам илмий ишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, сувни тежайди-



ган, янги технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий усулларни қўллаш, табиий шароитларни ҳисобга олиб, табиий заҳиралардан самарали ва комплекс фойдаланиш ҳам муҳим чоратadbирлар сирасига киради.

Сувдан тежаб–тергаб фойдаланиш дунё миқёсида ҳал этилса, муаммонинг ечимиде ижобий, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, ҳозирда нафақат Африка, Осиё, Америка, балки аҳолиси нисбатан фаровонроқ яшайдиган Европада ҳам сув танқислиги муаммоси кузатилмоқда. Россия, Бразилия каби давлатларда эса чучук сув заҳиралари анча се-робдир. Россия биргина Байкал кўлининг чучук суви билан сув тақчиллиги муаммосидан анча йироқдир. Бошқа давлатлардаги сув танқислиги яна қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Сув кам бўлган жойда тозалик ва саломатликка ҳам эришиб бўлмайди.

Сув муаммоси халқаро миқёсда давлатлар ўртасидаги муносабатларда жиддий зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Агар 19– аср тарихда нефт учун кураш асри бўлган бўлса, 21 –аср сув учун кураш асри бўлиши ҳозирданоқ аён бўлиб қолди. Масала шу қадар жиддий ва долзарбдир.

Муаммони қисман ҳал этишнинг энг оқилона йўли, шубҳасиз, муқаддас китобларда қайд этилганидек, улуғ ва илоҳий неъмат ҳисобланмиш сувдан оқилона, тежаб–тергаб фойдаланишдир. Мавриди келганда ушбу масалада анча лоқайд, бепарво эканимизни тан олишга тўғри келади. Сир эмас, кўча–кўйларда носоз, бузилиб қолган сув қувурларидан беҳуда оқиб ётган сувни кўрсак ҳам парво қилмай ўтиб кетаверамиз. Ёки саратонда кўчамизни, ҳовлимизни салқин қилиш учун резина шланкаларни сув жумракларига улаб, сувни аёвсиз исроф қиламиз. Ёз ойларида



эса тарвуз–қовунларни совутиш учун ваннадаги сувни шариллатиб очиб қўяверамиз. Бундай нохуш манзаралар бисёрдир...

Аён бўляптики, сувга муносабат фақат иқтисодий эмас, маънавий–ахлоқий масала ҳамдир. Хом сут эмган банданинг феъл–атвориға, маданиятиға унинг сувга бўлган муносабатиға қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Сувни асраб–авайлаш миллий қадрият даражасига кўтарилиши лозим.

Сув ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Аммо унинг сир–асрори ҳали–ҳануз тўла очилмаган. Ажабо, мундоқ қараганда ҳар куни неча бор “ишимиз тушадиган” шу оддийгина, ҳаммага аллақачон маълум ва машҳур бўлган, химия дарслигида H<sub>2</sub>O деб номланадиган модда ҳақида яна нима дейиш мумкин? Изланувчан, тиниб–тинчимас олимлар, мутахассислар шу оддийгина кўринадиган сувнинг биз шу пайтгача пайқаманган, сезмаган хусусиятларини кашф этишмоқда ва келажакда яна кашф этишса ажаб эмас.

Мен япон олими Масару Эмотонинг бутун дунёга машҳур бўлиб кетган асари – “Сувнома” китобини назарда тутаяпман. Дарвоқе, бу асар ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, “Жаҳон адабиёти” журналининг 2008 йил, 8– сониде босилган.

Масару Эмото кўп йиллик илмий изланишлари оқибатида илк бора сувда хотира борлигини, сўз, оҳанг, расм ва ёзувларни “эшитиш” ҳамда “ўқиш” хусусиятиға эға эканини ўз тажрибалари асосида суратлар орқали исботлаб берди.

“Кўз ўнгингизде мавжланган сув дунёдаги уммонлар, денгизлар, дарёларде мавжуд жамики сувлар билан боғланган. Сиз тикилаётган сув сайёранинг барча нуқталаридаги сувларға резонанс беради ва муҳаббатингиз номаси барча инсонлар қалбига етиб боради” деб ёзади Масару Эмото. Айни чоғде олим “ Сув – илоҳий неъмат, боқий оламнинг Ердаги мўъжизаси” эканини ҳақли равишде эътироф этади.

Шу ўринде ота–боболаримизнинг сувға яхши дуолар қилиб, шифо тилаб, эҳтиромлар билдириб беморларға ичиришгани ҳам бежиз эмаслиги эсға тушади.

Сувнинг сирли, илоҳий хусусиятлари ҳақида Америкалик олим Ф. Ботмонхолиж “Танангиз сув сўраепти” китобида батафсил маълумот бераркан, сувнинг моҳияти, унинг саломатлик учун нақадар фойдали эканини алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, сув нондай, балки нондан ҳам азиз, муқаддас бир неъмат. Мукулмон одам омонатини топшираётганда энг сўнгги насибаси ҳам оғзига томизиладиган бир неча томчи сувдир....

**Шодмон ОТАБЕК,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг**  
**аъзоси, Ўзбекистонде хизмат кўрсатган**  
**маданият ходими.**